O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI QO‘RG‘ONTEPA TUMANI HOKIMINING QARORI

Qo‘rg‘ontepa tuman, Andijon ko‘chasi 1-uy, tel: 74-723-14-61 Korgontepa@andijan.uz

2021 - yil 11 - sentabr 20-1-23-Q/21 Qo‘rg‘ontepa tumani hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2021 йил 6 сентябрдаги 14-10-01-07/376-сонли ҳати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш ва банд этилган иш жойларини назорат қилиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага мувофиқ;

3. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2021 йилда тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийланаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам миқдорини барпо этиш бўйича тумандаги корҳона, ташкилот ва муассасаларда “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун квота иш ўринларини банд қилиб қўйиш” режаси юзасидан таклифи 2-иловага асосан тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-

моддасига асосан мазкур қарор билан тасдиқланган иловадаги корҳона ташкилот, муассасаларда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишдан қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш ҳамда иловада кўрсатилган ходимларнинг рўйҳатдаги ўртача сонининг 8,5 фоизи 510 та миқдорида белгилансин.

Жумладан:

-ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун 140 нафар;

-таълим муассасаларни тамомлаган ёшлар учун 187 нафар;

-муддатли ҳарбий ҳизматдан бўшатилган шахслар учун 28 нафар;

-ногиронлар учун 73 нафар;

-туман марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 19 нафар;

-жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 50 нафар;

-“Одам савдоси”дан жабр кўрганлар ва шахсларнинг бошқа тоифалари учун 13 нафар;

5. Тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига:

-ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун ажратилган иш жойларида ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бемалол бажарилишини таъминлайдиган меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат қонунчилиги бўйича қисқартирилган иш соатлари ва қўшимча меҳнат таътилларини ташкил қилиш;

-ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган муддатларда ва тартибда барпо этилишини (ажратилишини ёки банд қилиб қўйилишини) таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Ф.Сиддикова)га бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг иловасида кўрсатилган корҳона, ташкилот ва муассасаларга банд қилиб қўйилиши лозим бўлган иш ўринлари сони юзасидан туман ҳокимлигига аҳборот тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Ф.Сиддикова)га тумандаги ташкилот, корҳона ва муассасалар раҳбарлари томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож шаҳслар учун банд қилиб қўйиладиган иш жойларининг меҳнат шароитларига мос келиши устидан назорат олиб бориш вазифаси юклатилсин.

8. Мазкур қарор билан тасдиқланган иловада кўрсатилган корхона, ташкилот, муассасаларда захираланган иш ўринларнинг энг кам сонидан орттириб бажарган ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва мехнат муносабатлари Вазирининг 19-2019-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга талаблари доирасида “Субсидя”лар ажратиш таъминлансин.

9. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил 25-сентябрдаги 997-Қ-сонли қарори 2022 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарор 2022 йил 1 январдан кучга киритилсин.

11. “Қўрғонтепа ҳақиқати” газетаси таҳририяти (А.Қорабоев)га мазкур қарорни газета саҳифалари орқали кенг оммага етказиш тавсия этилсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилсин (М.Абдурашитова).

12. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шамурзаев зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **Э.Набижанов**